



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 11 » avgust

№ 364

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидия бериш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хомашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 январдаги ПҚ-23-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидия бериш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Мажкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 январдаги ПҚ-23-сон қарорига мувофиқ:

2023 йилдан бошлаб хориждан олиб келинган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб берилиши**;

пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни насос орқали сугорища сарфланадиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизигача қисми **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб берилиши** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлариға қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва сугориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериш**;

хориждан олиб келинган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “11” августдаги 364-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиласидаган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиширувчи фермер хўжаликларининг (кейинги ўринларда истеъмолчилар деб аталади) насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиласидаган электр энергияси қийматининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

Истеъмолчиларга субсидия ажратиш бўйича материалларни жамлаш, кўриб чиқиши ҳамда ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади”;

5-банддаги “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти” сўzlари “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти” сўzlари билан, “Молия вазирлиги” сўzlари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

7-банд “Далолатномалар туман ишчи гурӯҳи раҳбари томонидан” сўzlаридан кейин “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали” сўzlари билан тўлдирилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошиси “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига” сўzlаридан кейин “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали” сўzlари билан тўлдирилсин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан истеъмолчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш кудуқларининг кейинги йилда суғориш ишлари учун сув ва электр энергияси истеъмоли ҳамда электр энергияси қийматининг мувофиқлашган талабномаларини таҳлил қиласиди, умумлаштиради ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги билан келишиб ҳар йилнинг 1 июнига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади”;

13-банддаги “Молия вазирлиги” сўzlари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

16-банд “электр энергияси қийматини қоплаш бўйича ҳисоб-китобларни” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

17-банднинг иккинчи хатбоиси “Далолатнома туман ишчи гурухи раҳбари томонидан” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан
қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ”**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган, шунингдек, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ ва унинг ҳудудида ижара шартномалари асосида жойлашган, Чирчик шаҳрига кўчирилаётган корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери томонидан 2024 йил 31 декабрга қадар тайёр ҳолда четдан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олган харидорларга техника қийматини ҳамда хориждан олиб келинадиган ва республикамиизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари қийматини қисман қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи ташкилот;

субсидия – маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган, шунингдек, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ ва унинг ҳудудида ижара шартномалари асосида жойлашган, Чирчик шаҳрига кўчирилаётган корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери томонидан 2024 йил 31 декабрга қадар тайёр ҳолда четдан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олган харидорларга техника қийматининг 15 фоизини ҳамда хориждан олиб келинган ва республикамиизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

харидор – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар, пахта-тўқимачилик ташкилотчилари ва кластерлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган қишлоқ хўжалигига механизациялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар;

ҳисобварақ-фактура – қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳақиқатдан сотилганини тасдиқловчи, маҳаллийлаштирилганлик даражасини кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги техникаси нархини ўз ичига олган ҳужжат ёки шартнома;

қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-7-сон қарорига асосан “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ ва унинг ҳудудида ижара шартномалари асосида жойлашган, Чирчиқ шаҳрига кўчирилаётган корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери томонидан 2024 йил 31 декабрга қадар тайёр ҳолда четдан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда хориждан олиб келинадиган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари.

3. Субсидияларни ажратиш Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда субсидия маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган, шунингдек, 2024 йил 31 декабрга қадар тайёр ҳолда четдан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда хориждан олиб келинган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари учун бир марта ажратилади.

Хориждан олиб келинган ва республикамизда ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларига субсидиялар **2023 йилдан бошлаб** харидор томонидан харид қилинган агрегатларга нисбатан татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) субсидия ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради, шунингдек, уларнинг ўзлаштирилиши ва қолдиги ҳақидаги маълумотларни янгилаб боради.

5. Субсидияларни ажратиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Субсидияларни ажратиш тартиби

6. Субсидиялар янги ва харид қилинган кундан бошлаб бир йил муддат давомида (ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан бошлаб) тақдим этилган аризага мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати учун ажратилади.

7. Харидор олди-сотди тўғрисидаги шартномани тузгандан сўнг, шартнома шартларига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга қишлоқ хўжалиги техникаси қийматини тўлаб беради.

8. Харидор шартнома шартларига мувофиқ тўловни тўлиқ амалга ошириб қишлоқ хўжалиги техникасини ёки агрегатини сотиб олгандан сўнг, қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи, шунингдек, агрегат қийматининг 30 фоизи миқдорида субсидия олиш учун Жамғармага қуйидаги хужжатларни тақдим қиласди:

а) мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

б) қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати бўйича:

олди-сотди шартномаси ёки шартнома (кредит шартларида харид қилинганда), ҳисобварақ-фактура, тўлов хужжати нусхаси;

лизинг шартномаси, ҳисобварақ-фактура, тўлов хужжати, лизинг объектини қабул қилиш – топшириш далолатномаси нусхаси (лизинг шартларида харид қилинганда);

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги “техник паспорт” ёки “техник гувоҳнома” нусхаси.

9. Жамғарма мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ тақдим этилган хужжатларни беш иш куни давомида ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижаларига кўра, “ижобий” қарор қабул қилинганда, Жамғарма беш иш куни давомида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар доирасида харидорга субсидия ажратади.

Бунда Жамғарма қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи, агрегат қийматининг 30 фоизи миқдоридаги субсидияларнинг пул маблағларини харидорнинг аризада кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига ўтказади.

10. Жамғарма қуйидаги ҳолларда субсидия ажратишни рад этади:

мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ тақдим қилинмагандা;

чет элдан олиб келинган қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатининг божхона юқ декларацияси бошқа шахс номига расмийлаштирилганда;

қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегати харид қилинган кундан (ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан) бошлаб бир йил муддат ўтиб мурожаат қилинганда (қайта мурожаат қилаётган харидор учун ушбу муддатга ўттиз кун қўшилади).

Харидор аниқланган камчиликларни ўттиз кун ичida бартараф этиб, хужжатларни қайта тақдим қилиш ҳукуқига эга.

3-боб. Якунловчи қоидалар

11. Харидордан қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда харидор тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва асослантирилганлиги юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ масъул ҳисобланади.

13. Харидор субсидия ажратиш рад этилганлиги, шунингдек, Жамғарманинг мансабдор шахсини хатти-ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёхуд судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

Қишлоқ хўжалигини механизациялашни
давлат томонидан қўллаб-куватлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
субсидияларни ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар

Масъул ижрочилар, амалга ошириш механизми

Муддатлар

**Қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи ва лазерли қурилмага эга ер
текислагич агрегати қийматининг 30 фоизи миқдорида субсидия ажратиш**

1-босқич

Харидор олди-сотди тўғрисидаги шартномани тузганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ташкилотларга техниканинг тўлиқ қийматини тўлаб беради.

Шартномага асосан

2-босқич

Харидор шартнома шартларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси учун тўловни амалга оширганидан сўнг қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи миқдорида субсидия олиш учун Жамғармага тегишли ҳужжатларни тақдим қиласди.

Харидор ихтиёрига кўра

3-босқич

Жамғарма субсидия ажратиш учун харидор томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади.

5 иш куни давомида

4-босқич

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, Жамғарма қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи миқдоридаги субсидияни харидорнинг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварагига пул маблағларини ўтказиш орқали ажратади.

5 иш куни давомида

Кишлоқ хўжалигини механизациялашни
давлат томонидан кўллаб-куватлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан
кўллаб-куватлаш жамғармасига

**Сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизини
(агрегат қийматининг 30 фоизини) қоплашга субсидия олиш учун
АРИЗА**

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи)

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй раками, телефон раками)

Рўйхатдан ўтказилган манзил: _____

Гувоҳнома раками: _____
(гувоҳнома раками, берилган санаси ва уни берган орган)

(ариза берувчи раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О.)

№ _____ “ _____ ” корхонасидан 202_____ йил “ _____ ” _____ да тузилган
ракамли қишлоқ хўжалиги техникаси (агрегати)нинг олди-сотди
шартномасига асосан _____ (сумма сўз билан ёзилади)
сўмга сотиб олинган “ _____ ” русумли қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг
15 фоизини (агрегат қийматининг 30 фоизини) қоплаш учун белгиланган тартибда
субсидия ажратилишини сўрайман.

Харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаси (агрегати)нинг _____

бўйича ҳужжатлари _____ варақда илова қилинади.

Манзили: _____
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй раками, телефон, электрон почта манзили)

**Хизмат кўрсатувчи
банк номи:** _____

СТИР: _____

Банк коди: _____

Асосий ҳисобварағи: _____

(имзо)

(аризачининг лавозими, Ф.И.О.)

20____ йил “ _____ ” _____

